

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**381** «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 26 июль,  
2016-09-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази бош дирек-  
торининг 2016 йил 26 июлдаги  
2016-09-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли  
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) 1-банднинг йигирма учинчи хатбошисидаги «номинал қийматининг ўзгариши» деган сўзлар «номинал қийматининг камайтирилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 12-банддан «акциялар номинал қийматини ошириш ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 13 ва 93-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 14-бандда:

биринчи хатбошидан «қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эмитент устав капиталини ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси типдаги акциялар тегишли бўлса, айтилишига тегишли акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.»;

д) қўйидаги мазмундаги 14<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«14<sup>1</sup>. Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига эмитент устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан эмитентнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.»;

е) 43-банднинг «ж» кичик бандидаги «тасдиқланганлигини» деган сўз «қабул қилинганлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 74-банднинг «в» кичик банди учинчи хатбошисидаги «акциялар но-

**31 (739)-сон**

— 47 —

**381-382-моддалар**

минал қийматини ошириш йўли билан акцияларни йириклаштириш ёки устав капитал кўпайтирилганда» деган сўзлар «акцияларни йириклаштиришда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 6-иловадан «Кузатув кенгашининг раиси \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

*Д. ХИДОЯТОВ*

*2016 йил 26 июль*

*Марказий банк раиси*

*Ф. МУЛЛАЖАНОВ*

*2016 йил 26 июль*